Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 6 (21. 125) 1992 йил 8 январь, чоршанба

Баҳоси 35 тийин.

ЭРТАНГИ КУНГА УМИД ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

ХАЛҚИМИЗНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН, УМУМАН, ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИМИЗНИ ТАНГЛИКДАН ЧИҚАРИШ СИЁСАТИНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШДА, АВВАЛАМБОР, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УСТИВОРЛИК БЕРИШИМИЗ ЗАРУР. ПИРОВАРДИДА БУЛАР ПЕШТАХТАЛАРНИ ТЎЛДИРАДИ. ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИН БЎЛАДИ.

БУ ЙИЛНИНГ МАЗМУНИ ВА ШИОРИ ШУНДАКИ, ХАЛҚИМИЗНИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚАМБАҒАЛ ВА МУҲТОЖ БЎЛГАН ҚИШИЛАРНИ, ОИЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛМАСДАН, БУНГА ДАВЛАТ ҚАФОЛАТИНИ БЕРМАСДАН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТА ОЛМАЙМИЗ.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқидан.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ЯЙЛОВ ЧОРВАЧИЛИГИ (ҚОРАКЎЛЧИЛИК, ҚУЙЧИЛИК, УЮР ИЙЛҚИЧИЛИГИ ВА ТУЯЧИЛИГИ) ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қоракўлчилиги, қўйчилиги, уюр йилқичилиги ва туячилигида банд бўлган ходимларнинг ғоят оғир меҳнат шароитини, ноқулай об-ҳаво ва иқлим шароитида узоқ муддат бўлишларини ҳисобга олиб ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Яйлов чорвачилиги чўпонлари, йилқичилари, туячилари, механизаторлари, ветеринария врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислари ва ишчилари 1992 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги солиғи тўлашдан озод қилинсин.

2. Яйлов чорвачилиги ходимлари учун ҳар йилги меҳнат таътили муддати 36 иш куни қилиб белгилансин.

3. 1992 йилдан бошлаб қоракўлчилик ва қўйчилик хўжаликлари ходимларининг иш ҳақига қўшимча коэффицент меҳнат шароитидаги ёвусизлик, олислик ва бошқа табиий-иқлимий хусуситлар ҳисобга олиниб жорий қилинсин. Меҳнат вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар тақдим этсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ижроия комитетлари, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари:

— республиканинг яйлов чорвачилигида, қоракўлчилик ва қўйчилик хўжаликларидаги камида 5 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга қишлоқ аҳоли манзилгоҳларидаги давлат уй-жой фондининг улар яшаб турган уйлари ёки квартираларини шахсий мулк қилиб бепул берсинлар;

— яйлов чорвачилиги ходимларига совхозлар ва колхозларнинг иқтисодий рағбатлантириш жамғармалари маблағларидан кўмакчи иморатлари бўлган уй-жойлар қуриш учун қайтариб олмаслик шарти билан қарз бериб, бинокорлик материалларини харид қилишда кўмаклашсинлар;

— ёш чўпонларнинг оилаларига шахсий ёрдамчи хўжаликни ташкил этиш учун имтиёзли шартларда сигирлар ёки отлар (туялар), қўйлар бериб, уларни емхашак билан таъминлашда ёрдам кўрсатсинлар;

— тармоқда камида 5 йил узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга енгил автомобиллар, мотоцикллар, холодильниклар, телевизорлар, кир ювиш машиналари ҳамда бошқа ғоят ҳаридоргир маданий-маиший ва хўжалик молларини биринчи галда сотиб олиш ҳуқуқини берсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иштирокида 1992-1995 йилларда Самарқанд, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида чўпонлар ва уларнинг оилаларини соғломлаштириш учун санаторий-профилакторийлар очсин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига республика қоракўлчилик ва қўйчилик хўжаликларининг чўпонлари ҳамда бошқа ходимларига санаторийлар ва дам олиш уйларига қўшимча равишда йўлланмалар ажратишни кўзда тутиш тавсия этилсин.

7. Тармоқнинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш учун «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қоракўлчи» фахрий унвонини таъсис этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қоракўлчи» фахрий унвони ва кўкрак нишони тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 10 кун муддат ичида қоракўлчилик ва қўйчилик ходимлари тоифалари рўйхатини, бориб ишлаш ушбу фармонда белгиланган имтиёзларга эга бўлиш ҳуқуқини берадиган районлар ва хўжаликларнинг рўйхатларини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ КОМПАНИЯСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» ва «Оммавий ахборот воситалари ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетини қайта ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилсин.

2. Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг ҳуқуқий вориси деб ҳисоблансин ҳамда унинг фаолиятининг қуйидаги асосий вазифалари ва йўналишлари белгилансин:

— Мустақил Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатини тарғиб қилиш, бунёдкорлик, республиканинг келажаги манфаатларини кўзлаб, унинг шитоб билан ривожланиши ва равнақ топиши учун жамиятдаги барча соғлом, ижодий кучларни сафарбар этиш ва бирлаштириш;

— ҳақиқат ва адолат тантанасини қувватлаш, Ўзбекистондаги ҳар бир фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини, қонуний ҳуқуқлари ҳамда эркинлигини ҳимоя қилиш, миллатлараро муносабатларда осойишталик, ҳамжиҳатликни таъминлашга, дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилиш, миллатидан, ирқий мансублигидан, ғоявий ва диний эътиқодларидан қатъи назар, кишиларни бир-бирига нисбатан тенг, ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— миллий-тарихий анъаналарни ҳаққоний ва ҳолисона ёритиш, республика аҳолисини ва айниқса ўсиб келаётган авлодни маърифатпарварлик, умуминсоний қадриятларга муҳаббат, таълимга, маданият ва ҳуқуқий билимдонликка иштиёқ руҳида тарбиялаш;

— республиканинг иқтисодий ва маданий турмушидаги воқеаларни, муаммоларни амалий тарзда таҳлил этиш, камчиликларни танқид қилиш, илғорлар тажрибасини қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, ишлаб чиқаришда ижодий ташаббускорликни кенг ёйишга, фан ва техника соҳасида тараққиётни жадаллаштиришга, хўжалик юритишнинг янги иқтисодий усулларини жорий этишга кўмаклашиш;

— халқаро ҳаётни ёритиш, давлатлараро ва ташқи иқтисодий алоқаларни, шунингдек ҳориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш ишида фаоллик кўрсатиш.

3. Иқтисодий манфаатдорликни ошириш, ижодий рақобатни қарор топтириш мақсадида Ўзбекистон Давлат телевидениесида тижорат асосида ишлайдиган иккинчи умумреспублика канали очилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни бажариш юзасидан бир ой муддат ичида тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 7 январь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ТУГАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ ЛАВОЗИМИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ (АСОСИЙ ҚОНУНИ)ГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Вице-Президенти лавозими тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири лавозими жорий этилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Асосий Қонуни)га қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

а) 102-модданинг 8-бандидаги «Ўзбекистон ССР Вице-Президентининг, Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раиси биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 107-модданинг биринчи қисми «Ўзбекистон Республикасининг Президентига» деган сўзлардан кейин «Вазирлар Маҳкамасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

в) 113-модда «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раисига» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 118[4]-модданинг 6-бандидаги биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бош вазирни, унинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларини тайинлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг тасдиғига киритади»;

д) 118[9]-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар Ўзбекистон Республикасининг Президенти бирон-бир сабабларга кўра ўз вазифаларини бажаришни бундан буён давом эттира олмаса (шу жумладан, саломатлиги ёмонлашган ва бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши тузадиган давлат тиббиёт комиссиясининг хулосаси билан тасдиқланган бўлса), Олий Кенгаш янги Президент сайлови ўтказилгунга қадар республика Президенти вазифасини вақтинча бажариб турувчи кишини сайлайди»;

е) 120-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати Бош вазирдан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарларидан, Республика вазирларидан, давлат қўмиталарининг раисларидан, йирик концернларнинг ва бирлашмаларнинг раҳбарларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Вазирлар Маҳкамасига раҳбарлик қилади ва унинг ишини ташкил этади».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ ИДОРАЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш шароитида ижроия ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари, ноҳиялари ва шаҳарларида вакиллик ҳокимиятига ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига бошчилик қиладиган ҳокимлар лавозими таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, вилоятларнинг ҳокимлари Ўзбекистон Республикасининг Президентига ва халқ депутатлари тегишли Кенгашларига ҳисоб берадилар, Президентнинг жойлардаги расмий вакиллари бўладилар, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар ҳамда шундан сўнг халқ депутатлари тегишли вилоят Кенгашлари томонидан тасдиқланадилар;

ноҳиялар ва шаҳарларнинг (Тошкент шаҳри бундан мустасно) ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли ноҳия, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

шаҳарлардаги ноҳияларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланиб, халқ депутатлари тегишли шаҳардаги ноҳия Кенгаши томонидан тасдиқланадилар;

ноҳия ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўзларидан юқори турувчи ҳокимларга ва тегишли халқ депутатлари Кенгашларига ҳисоб берадилар.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳокимлар бошчилигидаги халқ депутатлари вилоят, ноҳия ва шаҳар Кенгашлари маҳаллий аҳамиятга молик барча масалаларни умумдавлат манфаатлари ҳамда Кенгаш ҳудудида яшаётган фуқароларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этадилар, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент Фармонларини, юқори давлат идораларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қуйи Кенгашларининг фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

4. Ҳоким ижроия аппаратига эга бўлиб, бу аппарат ҳозир амал қилиб турган Кенгаш ва ижроия қўмитасининг вазифаларини бажаради. Аппаратнинг тузилишини ва штатларини ҳоким белгилайди ҳамда халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлайди.

5. Ҳокимнинг ўринбосарларини, аппарат бўлимлари ва бошқармалари, бошқа бўлинмаларининг раҳбарларини ҳокимнинг тақдимига мувофиқ халқ депутатлари тегишли Кенгашлари тасдиқлайди.

6. Ҳоким Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзига бериб қўйилган ваколатлар доирасида қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ҳокимнинг қарорлари ва фармойишлари Кенгаш ҳудудидаги барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамият ва бирлашмалар учун, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

7. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ҳокимлар томонидан заруратга қараб, лекин бир йилда камида икки марта чақирилади.

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу Қонундан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимият идораларини тузиш масалалари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ушбу Қонунга мос тарзда белгиланади.

10. Ушбу Қонун матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради ва Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилингунга қадар амалда бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 4 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўртоқ Убайдулла Аббосович Абдураззоқов Ўзбекистон Республикаси давлат матбуот комитетининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 7 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎРТОҚ Ш. Р. МИРСАИДОВ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Шукрулло Раҳматович Мирсаидов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил, 7 январь.

МИСР КОНСУЛХОНАЛАР ОЧМОҚЧИ

ҚОҲИРА, 7 январь. (**ТАСС мухбири Михаил КРУТИХИН**). Миср бир неча собиқ совет республикаси пойтахтларида консулхоналар очади. «Ижипшин газетт» рўзномаси Миср Араб Республикаси ташқи ишлар вазири Наги ал Хатрифи шуни эълон қилганлигини бугун маълум қилди.

Ташқи ишлар вазири консулхоналар биринчи навбатда Озарбайжонда ва Ўзбекистонда очилишини айтди. Бундан ташқари Тошкентда ва Олмаотада миср элчихоналарини очиш тўғрисида аҳдномага эришиш имкониятлари ўрганилмоқда. Миср Араб Республикасининг мустақил давлатлар ҳамдўстлиги пойтахтларидаги дипломатия ваколатхоналарига ҳозирча бошқа элчихоналар ўриндошлик асосида хизмат қилади.

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон, Тошкент.
Президент КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Бутун халқ томонидан мустақил давлат— Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаганингиз билан астойдил қутловларимни қабул этгайсиз. Ўзининг муносиб фарзандини ўз мамлакатининг биринчи Президенти этиб сайлаб, ўзининг ҳозирги куни ва келажагини Сизга ишониб топширган Мустақил Ўзбекистон халқининг қувончига шерик бўлиш эстон халқига чуқур мамнуният туйғуларини бахш этади.

Салкам икки юз йил мобайнида Ўзбекистон пахтакорлари билан Эстония енгил саноат ходимларининг биргаликдаги меҳнати туфайли халқларимизга зарур бўлган юқори сифатли моллар ишлаб чиқарилмоқда. Ишонч билдириб айтамизки, Сизнинг хайрихоҳлигингиз ва мададингиз билан мана шу ажойиб анъана ҳамкорликнинг янги шаклларида давом эттирилади ва такомиллаштирилади. Сизга чин кўнгилдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик тилаймиз, ўз халқингиз бахт-саодати, давлатларимиз ўртасида тарихан таркиб топган алоқаларни сақлаб қолиш йўлидаги олижаноб фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Эстония енгил саноат ва савдо президенти
Ю. КРАФТ.

ХРОНИКА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Шаҳло Насимовна Маҳмудова бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилинди.

НОН ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

• *Долзарб мавзуда*

Утган йили жумҳуриятимиз аҳолисини, шу жумладан Тошкент шаҳри истеъмолчиларини нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш изчил йўлга қўйилди. Одамлар бошқа минтақаларда тақчил бўлиб қолган бу азиз неъматни ўзимизда бир маромда олиб туришди. Бунга, албатта, жумҳурият ҳукуматининг тинимсиз саъйи-ҳаракатлари туфайлигина эришилди.

Хўш, янги 1992 йилда бу борадаги аҳвол қандай бўлади! Кеча Тошкент нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонасида қуйидагиларга шоҳид бўлдик.

— Бу йил ҳам шаҳар аҳолисини сифатли нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлашга ҳаракат қиламиз, — дейди завод директори Равшан Ашуров. — Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Ҳом ашё ҳам ўз вақтида келиб турибди. Бугунгача корхона қувватларининг 75—80 фоизини қайтадан таъмирлашга эришдик. Бош корхонадан тортиб барча заводлар чет эл ускуналари билан жиҳозланди. Шу туфайли йил давомида истеъмолчиларга бир маромда маҳсулот етказиб бериш имконияти туғилди.

Дарҳақиқат, хориж ускуналари ишчилар учун жуда қўл келди. Ғарбий Германиядан сотиб олинган «Винклер», Чехословакиядан келтирилган «Гостол» линиялари қисқа муддатларда цехларга ўрнатилди. Жумҳурият Дон маҳсулотлари вазирлиги бунинг учун анчагина валюта маблағлари ажратди. Хорижий жиҳозларни бошқаришни ўрганиш учун 70 дан зиёд мутахассисларни Германияга ўқишга юбордик. Бугунга келиб ушбу ускуналар ёрдамида кунига 100000 дона батон-нонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Завод қошида тайёр маҳсулотни пешма-пеш аҳолига сотадиган «Иссиқ нон» фирма магазини очилди. Ҳозир шу каби фирма магазинлар шаҳарнинг бошқа мавзеларида ҳам қуриляпти. Бугунгача уларнинг сони 6 тага етди. Албатта, бундан пойтахт истеъмолчилари мамнун.

Корхонанинг янгидан ишга туширилган цехларини айланиб, барча соҳаларда ижобий томонга бурилиш юз берганлигининг гувоҳи бўлдик. Айниқса, ишчи-хизматчиларнинг иш шароитлари бир мунча яхшиланибди. Ҳозир бу ерда 300 дан зиёд ишчи меҳнат қиляпти. Улар учун дам олиш хоналари, душхона, бошқа қулайликлар мавжуд. Яқин вақт ичида уч қаватли замонавий маиший бинони фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Меҳнат аҳлининг иш ҳақини оширишга ҳам эътибор кучли. Бугунга келиб улар ўртача 700—800 сўмдан, илғорлар 1200 сўмгача маош олишяпти. Йил охирида эса икки ойлик маош миқдорида мукофот пули ҳам берилмоқда. Албатта, манфаатдорлик самарали ишлашга чорламоқда. Корхона аҳли бир кунда 160 тоннадан зиёд сифатли нон маҳсулотлари тайёрлашга муваффақ бўлишяпти. Айрим хом ашё турларининг (масалан, шакар, маргарин ва ҳоказо) етишмаслигига қарамасдан 8—10 хил ассортиментдаги нон ва кондитер маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқариляпти.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, корхонада ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмасдан, қувватларни бирмунча ошириш имконияти топилмоқда. Бунга нон цехини мисол қилиб келтириш мумкин. Илгари ушбу цех 60 тонна маҳсулот ишлаб чиқарар эди. Ускуналар қайта таъмирлангач, ҳозир бу ерда 125 тоннагача маҳсулот тайёрланмоқда.

— Ўтган йилнинг тўртинчи чораги режаларини 187 фоизга уддалаган эдик, — дейди цех устаси Мақсуд Пайзиев. — Янги йилнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳам маҳсулот етказиб беришни яна анча оширмоқдамиз. Одамларга етказинг, нон маҳсулотлари илгаригидек мўл бўлади. Фақат уни эҳтиёжга яраша увол қилмасдан истеъмол қилишса бўлгани.

Ҳақ гап. Бугунги кунда жумҳуриятимизда ҳанузгача нонни эҳтиёжга яраша ишлатишга эришиб бўлмаяпти. Айримлар бу азиз неъматни эъзозлаш ўрнига нонтепкилик ҳолларигача бориб етишяпти. Эндиликда кенг жамоатчилик, маҳалла аҳли биргаликда бундай жирканч ҳолларнинг олдини олишга ҳаракат қилишлари лозим. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида ортиқча ун маҳсулотлари топишнинг ўзи бўлмайди. Тўғри, ҳозир жумҳурият ҳукумати ҳамдўстлик республикаларидан, Канада ва Америкадан керакли миқдорда дон сотиб оляпти. Лекин бу — бекорга нонни исроф қилиш мумкин, дегани эмас. Ўйлаймизки, истеъмолчилар буни яхши тушунишади ва неъматлар султони бўлган нонни ўз эҳтиёжлари даражасида ишлатишади.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• *Қўлни беринг, хориждаги шериклар*

● Жумҳуриятимиз ишбилармонларининг хориж билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Жойларда ҳамкорликда янгиянги қўшма корхоналар, филиаллар ва бошқа тузилмалар ташкил этиляпти. Улар аҳолини турли хил истеъмол буюмлари билан барқарор таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Утган йилнинг бошларида наманганлик ишбилармонлар бу йўлда хайрли бир тадбирни амалга оширишди. Бу ерда «Наврўз» Наманган — Канада қўшма корхонаси ишга туширилди. Мухбиримиз мазкур корхона директори О. Маҳсумов билан суҳбатлашди.

Суратда: қўшма корхона маҳсулоти билан савдо қиладиган магазинда ҳаридорлар гавжум.

КАНАДА БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

— Обидхон ака, қўшма корхона иш бошлаганига бир йилдан ошди. Бу давр ичида қандай ўзгаришлар рўй берди? Ортга назар ташлаб қандай хулоса чиқариш мумкин?

— Биринчи ва қатъий хулоса шундан иборатки, жаҳон бозори талаблари даражасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қўлимиздан келишига ишонч ҳосил қилдик. Бунинг учун фақат хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликка дадил киришиш, ишлаб чиқаришни замонавий техника, технология ва асбоб-ускуналар билан қуроллантириш зарур экан. Ишлаб чиқаришдаги ўзгаришларга келсак, қисқа вақт ичида катта силжишга эришдик. Ҳозир корхонамиз ҳисобида пулимиз, ҳатто валютамиз ҳам етарли. Хуллас, иқтисодий жиҳатдан камчилигимиз йўқ.

— Фақат яқиндагина жумҳурият Молия вазирлиги сизларнинг корхонангизни рўйхатга олди. Нега бу ҳол бир йилдан сўнг рўй берди?

— Очиғи, дастлаб қўшма корхонамиз Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида тажриба тариқасида ташкил этилганди. Аста-секин оёққа туриб, Канада билан чинакам ҳамкорлик қилишга, мустақил ишлашга имконимиз етарли эканлигини амалда кўрсатдик. Бизнинг маҳсулотимиз хорижда ҳам тезда сотиб олиниб харидоргир бўлиб кетди. Бугунга келиб бир кичик цех мустақил корхонага айланди. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозир ҳам Кишиневдаги Совет — Канада қўшма корхонаси бизнинг бош корхонамиз ҳисобланади. «Наврўз» эса унинг Намангандаги филиали. Хорижий мамлакатлар билан алоқаларимизни шу бош корхона мувофиқлаштириб туради. Унга эса биз олган фойдамизнинг 10 фоизини ўтказиб турамиз. Янги иш бошлаган пайтимизда бир кунда бор-йўғи 220 дона «Мистер Гудбай» этикеткали эркаклар кўйлагини ишлаб чиқарардик. Бугунга келиб, икки сменада 2600 та ана шундай кўйлак тайёрланмоқда.

— Шунча маҳсулот ишлаб чиқарилар экану, нега у вилоят савдо расталарида кўринмайди? Ёки унинг кўп қисми хорижий мамлакатларга жўнатиладими?

— Йўқ, асосий маҳсулот жумҳуриятда қолади. Фақат тайёр маҳсулотнинг 20 фоизи шартнома асосида Канадага юборилади, холос. Улар биздан ҳар бир кўйлакни доллар ҳисобида сотиб оладилар. Энди ўзимизнинг савдо расталарида кўринмаслигининг сабаби—маҳсулотимиз сифати, бежиримлиги жиҳатидан хорижий мамлакатларда тайёрланган кўйлаклардан қолишмайди. Шу боис, унга ўзимизда ҳам талаб катта.

— Сиз юқорида ишлаб чиқаришни замонавий технология билан қуроллантириш зарурлигини таъкидладингиз. Бу борада корхонангиз фаолиятида бирор ўзгариш бўлмадими?

— Хорижий мамлакатлардан келтирилган замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан қуроллганимиз муваффақиятларимиз омили бўляпти, десам хато қилмайман. Корхонамизда асосан Япония, Германия, Италияда ишлаб чиқарилган тикув машиналари, пресловчи, дазмол қилувчи ускуналар ўрнатилган. Оддий бир мисол: Германиядан келтирилган «ПФАФ» маркали тикув машинаси бир пайтнинг ўзида ҳам тикади, ҳам дазмол қилади ва ипни керак пайтда ўзи узади. Қўлда қиладиган бирор ишни қолдирмайди. Илгари шу машина бажарадиган иш жараёнини беш киши амалга оширарди. Аммо сифати шунда ҳам ҳозирги даражада бўлмасди. Кўйлакнинг енг, ёқасини пресловчи «Дуркооп», «Адлер» каби аппарат ва қурилмалар ҳақида ҳам худди шундай фикрлар айтиш мумкин. Зеро, эскилар «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деб бежиз айтишмаган. Қолаверса, ишчиларимиз бундай мураккаб қурилмалардан моҳирлик билан фойдаланишни аллақачон ўзлаштириб олишган. Демоқчиманки, ишчиларимизнинг зеҳни, салоҳияти, меҳнатга муносабати ҳам хорижий мамлакатлар ишчиларинникидан қолишмайди.

— Ишчиларнинг меҳнат шароити ва моддий манфаатдорлиги ҳам шунга яраша бўлса керак?

— Албатта. Корхонада ҳамма юмуш механизациялаштирилган. Ҳар бир тикувчи иш жараёнида ҳоҳласа қулоқ радиосидан майин куй ва қўшиқ эшитиб бемалол ишлайверади. Тикув цехи чароғон, ҳамма қулайликлар бор. Ишчилар учун ошхонада мазали таомлар пиширилади. Тушлик учун ҳар бир ишчига корхона ҳисобидан 2 сўмдан тўланади. Ишчи тушликка кириб ўз ёнидан 2 сўмга қўшимча қилиб 50 тийин, нари борса 1 сўм тўлайди, холос. Ҳолбуки, бундан 3—4 йил олдин ҳам ишчилар тушлик учун ёнларидан шунча пул сарфлашган. Биз ана шу фарқни ўзгартирмай сақлаб қолдик. Ишчиларнинг моддий манфаатдорлигига келсак, илгари, яъни бундан бир йил олдин корхона янги ташкил бўлган пайтда меҳнатчиларнинг ўртача маоши 180 сўмни ташкил қиларди. Бугунги кунда бу кўрсаткич 650 сўмга етди. Корхонамизда оддий фаррош ҳам 480 сўм маош олади. Лекин бу чегара эмас. Яқин келажакда ишчиларимизнинг маоши 1000 сўмдан юқори бўлиши кутилмоқда. Бунинг учун барча имкониятлар етарли. Бир сўз билан айтганда, биз ўз маҳсулотимиз, юкимиз билан жаҳон бозорига кирдик. Маҳсулотимиз хорижий мамлакатлардан келтирилган моллар билан рақобатлаша бошлади. Бинобарин, эндиликда биз жаҳон бозорига йўл оляпмиз. Бу йўлдан ортга қайтиш йўқ.

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» мухбири

А. МАДАТОВ.

Суратда: корхона ишчиси Соҳиба Сатторова.

А. КОВТУН олган суратлар.

Танишинг: БМТ саркотиби

Бутрос ГАЛИ

1992 йилнинг 1 январидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги саркотиби иш бошлади. Бу нуфузли лавозимга мисрлик ҳуқуқшунос Бутрос Гали сайланди.

Насроний динига мансуб араблардан бўлган Бутрос Гали 1922 йилда Мисрда туғилган. Қарийб 40 йил давомида халқаро масалалар билан шуғулланган ҳуқуқшунос олим сўнгги йиллари Миср бош вазирининг халқаро алоқалар бўйича ўринбосари бўлиб хизмат қилди.

Миср билан Исроил ўртасида тузилган ва анча шов-шувларга сабаб бўлган Кемп-Дэвид битимининг вужудга келишида катта жонбозлик кўрсатган Бутрос Гали ёшига нисбатан анча тетик ва ҳаракатчан. БМТ саркотиби лавозимини у перулик Хавьер Перес де Куэльярдан қабул қилиб олди.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ёпиқ мажлисида энг кўп овоз олган Бутрос Гали саркотибликка лойиқ деб топилди.

Нью-Йоркдаги Ист-Равер кўчасида жойлашган осмонўпар бинонинг 38 қаватида — БМТ саркотиби қароргоҳида дастлабки тантанали маросим бўлиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимидаги турли идоралар ва уюшмалар раҳбарлари, дипломатлар, журналистлар Бутрос Галини янги лавозимда иш бошлаши билан муборакбод этдилар.

Саркотиб йиғилганларни 1992 йил билан табриклаб, самарали ҳамкорлик қилишларига умид билдирди. Бутрос Галини халқаро тинчликни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек дунёнинг ҳамма жойида инсон ҳуқуқлари ва демократик қонун-қоидаларни ҳимоя қилиш БМТ фаолиятининг устивор йўналишларидир. — деб айтди.

Бу ҳафта БМТ хавфсизлик кенгашида Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевнинг жумҳуриятни шу нуфузли халқаро ташкилот аъзолигига қабул қилиш ҳақидаги аризаси кўриб чиқилади. Биз ҳам Мустақил Ўзбекистон Республикасини БМТ аъзолари сафида кўриш умидидамиз.

Ф. Шоҳ ИСМОИЛ.

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН НИГОҲИДА

Муҳтарам муштарийлар!

Тўла мустақиллик сари дадил қадам ташлаётган Ўзбекистон бутун дунёга чиқмоқда. Табиийки бу билан унинг халқаро майдондаги нуфузи янада ошди. Шу муносабат билан «Ўзбекистон овози» рўзномаси ҳам дунё воқеаларига ўз саҳифаларидан ўрин бериш ниятидадир. Бинобарин рўзнома саҳифаларида «Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида» деган рукн ташкил этилиб, унда хорижий мамлакатлардаги воқеаларга нигоҳ ташламоқчимиз. Шунингдек Ўзбекистон билан боғлиқ алоқаларни кенг ёритиб бормоқчимиз.

Бугун эътиборингизга ҳавола қилинаётган Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар Туркия жумҳуриятида чиқадиган «Туркия» рўзномасидан олинди.

ЎЗАРО АЛОҚАЛАР

Мамлакатимиз ота юртимиздан келган қадрли меҳмон ва унинг сафдошларини кутиб олди. Аждодларимиз палак ёзган тупроқлардан, Ўзбекистондан ҳурматли республика Президенти Ислом Карим ўғли ва у билан ҳукумат намояндалари Туркияга расмий ташриф буюришди Мамлакатларимиз ўртасида амалий алоқалар бошланди. Бу алоқалар жараёнида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш борасида йириқ қадамлар ташланиши шубҳасиздир. Ана шу алоқаларнинг асосий қисми иқтисодий соҳада бўлиши табиий. Ҳар икки қардош диёрнинг иқтисодиёт соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишига кенг уфқлар очилмоқда.

ТАН ОЛИШ

Табиийки мамлакатлар ўртасида иқтисодий ижтимоий ва маданий алоқаларни кенг йўлга қўйиш учун улар орасида чинакам сиёсий муносабатлар ўрнатилиши лозим. Бундай муносабатларнинг энг муҳими эса «тан олиш»дир. Маълумки, қардош Ўзбекистон Республикаси 1991 йилнинг 31 августида ўз мустақиллигини эълон қилди. Ўша кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг сафдошлари ўз озодликларини мустаҳкамлаш йўлида дадил қадам ташлай бошладилар.

Ўзбекистонни биринчи бўлиб тан оладиган давлат бўлиш катта шарафдир. Бу шараф бизга, айниқса туркий миллатлардан бўлган турк жумҳуриятига муносибдир. Шунга кўра туркий миллати бошқа турк жумҳуриятлари каби қардош Ўзбекисоннинг истиқлолга эришуви бизда ҳам севинч ва ғурур билан кутиб олинди. Ўзбекистонни тан олиш давлатимизнинг бурчидир. Бу тан олиш дарҳол расмийлаштирилиб, Тошкентда элчихона очиш билан нишонланмоғи лозим. Буюк турк қавмларидан бири бўлган ўзбек қардошларимизнинг нақадар бой ва порлоқ тарихга эга эканлигини, бизнинг у ерлардан Анатолия ва Румга келганимизни, қонимиз ва имонимиз бир бўлганлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак.

ИҚТИСОДИЙ ТЕНГЛИК

Қардош Ўзбекистон бой ўтмиши ва маданияти билангина машҳур эмас. Олло таоло Ўзбекистонни турли-туман ноз-неъмат ҳамда ер усти ва ер ости бойликлари билан сийлаган. Мамлакатнинг 447 минг квадрат километр майдонида қарийб 21 миллион аҳоли яшайди. Бу аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар ташкил этади. Уларнинг 90 фоизи мусулмон туркий халқлардир.

Ўзбекистон асосан деҳқончилик ўлкаси бўлиб саноати ҳам анчагина ривожланган. Қишлоқ хўжалигида суғориш ишлари яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон тупроғида бир ярим миллион тонна пахта толаси етиштирилади. Толанинг сифати яхши. Бундан ташқари ипакчилик ва қорақўлчилик ҳам ривожланган. Бу борада Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқида етиштириладиган шундай маҳсулотларнинг 70 фоизини бермоқда. Сабзавот ва полиз экинларидан 2 миллион тонна атрофида ҳосил олинади.

Эски технология билан ишлаётган кимё ва енгил саноат мавжуд. Тайёрасозлик ва электроника саноати ривожланмоқда. Дунёнинг энг сифатли олтини Ўзбекистондан қазиб олинади. Уран ва табиий газ қазилмаларига бой. Туркия Ўзбекистон билан озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, пахта ва тўқимачилик саноати, қўнчилик, мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиши мумкин. Кўпгина соҳаларда ўзаро фойдали алоқалар ўрнатилишининг асосий шарти сиёсий тан олишдан сўнг ҳаво йўллари ва ер усти алоқа йўллари ўрнатишдир. Ўзбекистон билан иқтисодий ва бошқа соҳалардаги муносабатларнинг жадал ривожланишига кенг йўл очилмоқда.

Невзат ЕЛЧИНТОШ,
профессор.
Туркчадан таржима.

БИР ХЎЖАЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

СОВХОЗ ЗАВОДИ

● Қарши районидаги Карл Маркс номли совхозда янги йилнинг дастлабки кунида уруғлик пахтани қайта ишлайдиган завод қурилиши бошлаб юборилди.

Бу ишни «Каршистрой» махсус қурилиш бошқармасининг 16-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари ўз зиммасига олди. 1992 йилда қарийб 1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

ТОМОРҚАДА ҒАЛЛАЧИЛИК

● Давлат хўжалигида кейинги икки йил ичида қарийб минг хонадонга 10 сотихдан дала-ҳовли берилди.

Ишчилар дон муаммоси важидан бу ерни томорқага ажратиб, ғалла етиштиришга аҳд қилдилар. Бу ҳаракатни совхоз маъмурияти қўллаб-қувватлаб, уларни уруғлик дон ва техника билан таъминлади.

Айни пайтда кузда экилган уруғ қийғос униб чиқиб, барқ уриб ривожланмоқда.

— 1992 йилда аҳоли ун масаласида кўп ҳам дўконга қараб қолмайди, — дейди совхоз директори Сероб Хўжақулов. — Донни ҳар бир хонадон ўзи етиштиради. Хўжалик тегирмони муттасил ишлаб, оилаларни ун билан таъминлаб туради, деган умиддамиз.

ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

● Қовчин, Ширкент ва Тўрақул қишлоқларида яшовчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар хонадонларида совғалар улашилди.

Уларнинг оилаларига совхоз дирекцияси томонидан 100 килограммдан дон ва 3 килограммдан гўшт бепул берилди. Умуман хўжалик маъмурияти аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун совхоз минтақасидаги ишчи, хизматчилар, ўқитувчи, шифокорлар ҳамда бошқа касб эгаларига 1991 йил ҳисобидан иккинчи марта 100 килограммдан арзон нархда ғалла сотди. Бу ғамхўрликдан одамлар ғоят мамнун бўлмоқдалар.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Мутахассис мулоҳазаси*

КЕРАКЛИ ТОШ...

ЕКИ ЖУМҲУРИЯТ ИХТИЁРИГА ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ МУАССАСАЛАР ИМКОНИЯТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

Кейинги даврда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти тубдан ўзгарди. Эски маъмурий-буйруқбозликка асосланган Иттифоқ ўрнида мустақил давлатлар ҳамдўстлиги пайдо бўлмоқда. Шу боис, мамлакат халқ хўжалиги барча тармоқларида кескин ислоҳотлар амалга оширила бошланди. Жумладан, тармоқ вазирликларининг кўпчилиги қисқартирилиб, уларга бўйсунган корхона ва ташкилотлар, илмий муассасалар ўша ҳудудда жойлашган жумҳуриятлар ихтиёрига берилди.

Яқиндан бошлаб бизнинг Ўрта Осиё рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтимиз ҳам Ўзбекистон Республикаси ихтиёрига ўтказилди. Илгари бу илмий муассаса СССР металлургия саноати вазирлиги қарамоғида эди. Тўғри, вазирлик кўп йиллар мобайнида институт илмий бўлимининг 50 фоиз харажат маблағларини қоплаб келди. Лекин 1991 йилга келиб, тўсатдан институт учун пул маблағлари ажратиш тўхтатиб қўйилди. Натижада тармоқ учун самара келтирадиган узоқ муддатли тадқиқотлар олиб боришнинг иложи бўлмай қолди. Хуллас, бир неча йил Иттифоқ рангли металлургия тизилмаларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келган муассаса, тармоқ томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Бироқ институт аҳли тушкунликка берилмади. Аксинча, улар ҳамжиҳатлик билан бирлашиб институт илмий бўлимини сақлаб қолиш мақсадида унинг таркибини, меҳнатни ташкил қилишни ва ходимларга ҳақ тўлашни бутунлай қайта бошқарув ҳамда ёрдамчи бўлинмалардан бир қисм ходимлар штатларини қисқартиришга ҳам мажбур бўлдик.

Жумҳурият аҳолисининг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мутахассисларимиз Оҳангарон цемент заводи қошида шлакоблоклар тайёрлаш цехини ташкил этишди. Бундай цех институт илмий бўлимига қарашли ҳудудда ҳам ишга туширилди. Шунингдек, заргарлик буюмлари, чиқиндидан маҳсулот тайёрлаш цехлари қурилиши бошлаб юборилди. Бу эса институт муҳандис-ходимлари ва ишчиларининг кўпчилигини иш билан таъминлаш имконини берди.

Биз бошқа бир йўналишни ҳам танладик. Яъни илмий бўлимда «ортиқча» бўлиб қолган ходимларни қайта ихтисослаштириш чораларини кўрдик. Жумладан, тўпланган сувларни тозалаш лабораторияси ташкил этилди. Ҳозир ушбу лаборатория Ўзбекистон корхоналарига хизмат кўрсатмоқда. Эндиликда ўзимизни маблағ билан қоплаш мақсадида илмий бўлим учун Россия корхоналаридан ҳам шартнома асосида буюртмалар қабул қиляпмиз.

Хуллас, 1991 йили энг малакали илмий кадрларимизни сақлаб қолишга муваффақ бўлдик. Бироқ, очиғини айтганда, бозор иқтисодиёти шароитида айрим илмий муассасаларнинг барқарор фаолият кўрсатиши хавф остида қолмоқда. Негаки, ҳозирги пайтда уларни маблағ билан таъминлайдиган тизилманинг ўзи йўқ. Хўш, бундай шароитда илмий муассасаларнинг, шу жумладан бизнинг Ўрта Осиё рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг 1992 йилдаги аҳволи қандай бўлади?

Албатта, бирор соҳага маблағ сарф қилинаётганда ундан келажакда олинадиган фойда ҳам кўзда тутилади. Масалага шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бизнинг институт жумҳурият учун қандай наф келтириши мумкин? Очиғи, тараққиётни ўйламаган айрим мутахассислар бизга «Сизнинг институтингиз илгари Иттифоқ ихтиёрида симоб, сурма, вольфрам, молибден сингари минерал моддалар ишлаб чиқаришда етакчи илмгоҳ ҳисобланган. Лекин республикамизда ҳозирги пайтда симоб ва сурма умуман йўқ, қолган икки металл жуда оз миқдорда ишлаб чиқарилади. Демак, «сиз ҳеч наф келтирмайсиз», дейишгача боришяпти. Хўш, амалда ҳам шундайми?

Аввало шуни айтиш керакки, институтимиз фақат тармоқдаги етакчи муассаса бўлиб қолмасдан, балки комплекс илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи илмгоҳ ҳам ҳисобланади. Унинг таркибида илмий, лойиҳалаш ва қурилиш конструкцияларини тадқиқ қилувчи йириқ бўлинмалар бор. Гапнинг рости тоғ-кон ва металлургияни лойиҳалаш соҳасида етарли тажриба ва билимга эга бўлган мутахассисларни бугун тарқатиб юборсак, яқин келажакда четдан мутахассислар чақиришга, охир-оқибатда эса, бу соҳага яна катта харажатлар сарфлашга мажбур бўламиз.

Мақтаниш эмасу, биздаги тадқиқот бўлими ишланмалари ҳозирданоқ жумҳуриятга анча фойда келтириши мумкин. Бу бўлим амалда барча корхоналарда эскириб қолган конструкциялардан фойдаланиш муддатини узайтириш билан бирга, уларнинг зарур даражада хавфсиз ишлашини ҳам таъминлай олади. Институтнинг илмий бўлими эса симоб, сурма, вольфрам, молибденлар ишлаб чиқариш соҳасида ўзига хос технология ва ноёб маълумотлар эгаси ҳисобланади. Бу технологияларни биргина Ўзбекистонда эмас, балки РСФСР, Украина, Қирғизистон Республикаларида ҳам амалиётга татбиқ қилса бўлади. Қисқаси, жумҳуриятимиз ушбу тўпланган илмий ишланмаларни бошқа минтақалардаги буюртмачиларга сотиб, анча даромад олиши мумкин.

Бундан ташқари юқорида илмий имкониятларга эга бўлган ходимларимиз қисқа муддат ичида қайта ихтисослаштирилиши ва шу тариқа мустақил Ўзбекистон эҳтиёжлари учун хизмат қилишлари мумкин. Бу йўналишдаги иш яқинда бошлаб юборилди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида илмгоҳ мутахассислари Олмалиқ кон-металлургия комбинати билан ҳамкорлик қилиш битимини имзолашди. Унга кўра, институт ўз ҳисобидан ярим саноат қурилмалари яратиб олдин ишлаб чиқарилган технологиялар бўйича синов ўтказиш, самарали натижаларга эришгач эса, ишни металлургларга топшириш мажбуриятини олди. Албатта, зиммадаги топшириқнинг бажарилиши бизга анча маблағ келтиради. Бироқ бу билан институт молиявий аҳволини яхшилаш қийин.

Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги қийин шароитда институт илмий кучларини Ўзбекистон конметаллургия саноатидаги ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилса айни муддао бўлур эди. Негаки, мутахассисларимиз бу борада катта тажриба ва билимга, етарли илмий имкониятларга эга.

Халқимизда «Керакли тошнинг ўрнини йўқ» деган нақл бор. Шу боис, бугунги кунда жумҳурият ихтиёрига ўтган илмий муассасалар фаолиятини тўғри қайта кўриб чиқиш, улар имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш лозим. Бинобарин, жумҳурият тараққиёти йўлида хизмат қилувчи илмий муассасаларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилиши, уларнинг яратувчилик фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши керак. Ана шундагина илмий-тадқиқот ишлари жонланади, қолаверса ишлаб чиқаришга янги ишланмаларни жорий этиш кенгаяди. Бу эса яқин келажакда мустақил Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг ривожланишини таъминлайди.

Р. ФОЗИЛОВ,
Ўрта Осиё Рангли металлургия илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти директори.

ТИББИЁТ ЛИЦЕЙЛАРИ

Янги йил куни Андижон тиббиёт олий илмгоҳининг ректори профессор Сотқул Жумабоев билан учрашиб, ундан қандай янгиликлар борлигини сўрадик.

— Биз ҳозиргача иложи борича кўпроқ шифокор кадрлар тайёрлашга зўр бердик. Сон кетидан қувиб, сифатни унутдик. Тиббиёт олий илмгоҳини битириб чиққан кўп шифокорлар беморларни даволашни билмайдилар. Бунинг оқибатида кўнгилсиз воқеалар ҳам рўй беряпти. Бу хатарли йўлдан қайтишимиз, шифокорларнинг обрўсини кўтаришимиз керак. Энди асосий эътиборни сифатга қаратамиз. Ҳар бир районда биттадан тиббиёт лицейи очамиз. Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси бу ҳақда махсус қарор қабул қилди. Биринчи лицейни Фарғона ва Наманган районларида очишни режалаштирдик.

Лицейларга ўрта мактабларнинг 8, 9, 10 ва 11 синфларида ўқиётган қобилиятли, тиббиётга қизиқадиган ёшлар махсус комиссия орқали имтиҳон йўли билан конкурс танлови асосида саралаб олинади. Қабул қилинган ўқувчилар махсус ўқув дастури бўйича ўқитилади. Ўқитиш, даволаш ва педиатрия мутахассислиги бўйича йўналтирилган бўлади. Олий илмгоҳ ва ўрта мактабларнинг тажрибали муаллимари дарс берадилар. Уларга илмгоҳ ҳисобидан иш ҳақи тўланади. Аъло ва яхши баҳолар билан ўқиган ўқувчилар лицейнинг ўзида танлов асосида тиббиёт олий илмгоҳига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади. Лицейни олтин ёки кумуш медаль билан битирганлар ҳам илмгоҳга имтиҳонсиз киришади. Лицейни битирганларга ўрта маълумот тўғрисида гувоҳнома берилади. Олий илмгоҳ лицей ўқувчиларини ўқитиш учун корхоналар, муассасалар, давлат ва жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузади ва шу асосида жамғарма йиғади. Ота-оналар бундай шартномалар тузишдан мустаснодир.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз билган ва билмаган кишилар

Гаҳе топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳе кўрдум замондин комронлиғ,
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тотдим жаҳонда.

Алишер НАВОИЙ.

ЕР ФАРЗАНДИ

Аҳмаджон ОДИЛОВ: «НИМА АЙБИМ БОРЛИГИНИ БИЛМАЙМАН!»

Буюк бобомизнинг ушбу сатрларини Аҳмаджон Одиловнинг тилидан эшитаётгандайман. Унинг гуноҳи нима эди? Нечун бадном бўлди? Саккиз йил давомида «марказ»даги қилни қирқ ёрувчи терговчилар ҳам бу саволларга жавоб топишолмади. Жиноят мажмуасининг 9 та моддаси билан айб қўйилиб, 90 фоизини ҳам исботлай олмадилар. 130 томлик жиноят ишининг чоклари ситила бошлади. Дунёда суд қилинмай саккиз йил Лефортово, Матросская-тишина, Бутирка, Ленинград-Крести, Куйбишев, Андижон, «Тоштурма» қамоқхоналарида ўтирган оддий деҳқон боласи, замин ўғлони Аҳмаджон Одилов Геннеснинг рекордлар китобига ёзилса ажаб эмас... Саккиз йил, у айтишга осон. Инсон зоти чидаб бўлмас азоблар, қийноқлар, сўроқлар... энди ортда қолди. Унинг оҳини худо эшитди, Ўзбекистон эшитди, халқ, Президент эшитди...

Зим-зиё, зах, сассиқ камерада бир кун дераза равоғига қараб нола қилди: «Эй худо, менинг нима айбим бор! Қайси гуноҳларим учун мени дўзах азобига солдинг. Ахир бир умр халқим учун, тўқ ва фаровон яшаши учун меҳнат қилган эдим-ку!..».

Қаранг, унинг охи худога етди. Масалага ўзбекистонлик журналистлар, халқ ноиблари, жамоатчилик бефарқ қараб туролмади. Аммо ғиштнинг қолипдан кўчиши ҳали қийин эди. Охири Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1991 йил 15 ноябрда собиқ СССР Олий судига хат ёзди. Шундан сўнг ғишт қолипдан кўчди. Унинг иши Ўзбекистон Олий судида кўриладиган бўлди...

Бу қонуний талаб эди. Чунки ҳар қандай Ўзбекистон фуқаросининг ҳаққи бор бунга. Инсон ҳуқуқи мустақил, суверен давлатнинг ҳамма низом ва қоидалари инсонпарварлик фазилатлари билан ҳимояланиши лозим.

— Тошкентга кетишимни билиб, бир ҳафта ухламадим, — дейди Аҳмаджон Одилов, — 28 ноябрда Тошкентга жўнатишди. Самолётда 26 нафар солдат кўриқлаб келяпти. Келяпмизу кўзларимга ишонмайман, яна қайси қамоқхонага олиб кетишяпти, экан деган ўй ҳам ҳаёлимдан ўтади. Йўқ, Тошкентга қўндик. Оҳ, деб эркин нафас олдим. Қиндик қоним тўкилган Ўзбекистон тупроғини соғиниб қолган эканман, чўкка тушиб ер нафасини тўйиб-тўйиб сипқордим. Даҳшатли қийноқлардан ўлмай келганимга шукур. Дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Она юртимда мени самимий кутиб олишди. Менга рўшнолик кўрсатган Президентимизга, ҳамма-ҳамма яхшиларга раҳмат... — Аҳмаджон ака шундай деди-ю, хира тортган кўзларидан кўзойнагини олиб, рўмолчаси билан намланган кўзларини артди. — Худога шукур!

...Ўша куни Пунгонда, Ғурумсаройда байрам бўлиб кетди. «Аҳмаджон Одилов келармиш» деган хабарни эшитган ҳар бир киши даладаги ишини ҳам ташлаб келаверди. Бутун Фарғона водийсидан одамлар тўпланди. Минглаб киши уни қарши олди, қўлларига кўтаришиб туғилган уйига олиб киришди...

Лекин кутиб олувчилар орасида у учун азиз бўлган энг мўътабар зот — онаси Баҳринисо Носирова йўқ эди. Чарчоғига, толиққанига, нафаси қисилишига қарамай ҳар бир кишидан «Сиз ким бўласиз?» деб сўрар, онаси йўлига кўз тутарди. Аммо кутиб олувчилар — қариндош-уруғлари, ака-укалари, ўзи бир пайтлари бирга ишлашган ишчилари орасида ул мўътабар зот кўринмадилар. Фақат ул кишининг руҳи мададкор бўлиб, бу тантанадан қувониб, учиб юрган бўлса ажаб эмас... Одилов қамалгандан сўнг икки йил ўтгач, Баҳринисо ая фарзанд доғида куйиб кул бўлди. Терговчилар, милиция ходимлари 84 ёшли онахонни ҳам тинч қўймадилар. Уни ҳам сиқувга олдилар. «Яширган олтинлар қани?» — дея уйни остин-устун қилишди, ҳовлида ковланмаган жой қолмади. Тергов пайтида халқит қилишмасин, дея бутун қариндош-уруғларини, ака-укаларини қамашди. Буларни кўриб-билиб турган она қалби кўтаролмади, 1986 йилда 86 ёшида Баҳринисо ая бандаликни бажо келтирди-лар... Оддий мозор. Тупроқни ўт-ўланлар босиб кетган. Кўзлари тўрт бўлиб фарзандини кутган онанинг кўзларига энди тупроқ тўлган.

— Мана, онажон мен қайтиб келдим... — Аҳмаджон ака шундай деди-ю, томоғига нимадир тиқилди. У гўр устига ташланганча узоқ ётди, хўнгради, йиғлади... Йиғилган жамоа ҳам унинг оҳу-ноласига қўшилиб оҳ тортди... Она! Дунёда ундан улуғ зот борми? Бир парча жишни авайлаб-асраб, тунлари ором билмай аллалаб катта қилса-ю, фарзанд доғида куйиб, бандаликни бажо айлаганда ўз фарзанди ўз онасини тепкилаб кўмолмаса. Ахир бундан ҳам ортиқ армон борми дунёда?!.

Қалбида ана шу армон билан қолган, унинг ҳақида турли миш-мишлар, афсоналар, ҳангомалар тўқилган Аҳмаджон Одилов ким эди-ю, ким бўлди?

Аҳмаджон Одилов вақти келганда қаттиққўл, тартибинтизомни яхши кўрувчи инсон эди. Оддий деҳқон боласи қолоқ ва собиқ Ленин номли жамоа хўжалигини ишбилармонлиги, тадбиркорлиги туфайли оёққа турғазди. Катта бир бирлашмага айлантирди. Чўлни обод қилди. Сув чиқарди янги колхоз, совхозлар барпо этди, одамларга томорқа ер, уй қуриб берди, чорвачиликни ривожлантирди. Халқ дастурхонини тўкин қилишни ўйлади. Агар дўппини бошдан олиб, яхшироқ мушоҳада қилсак, ахир у ўша йиллари шу кунларда бўлаётган ишларни бошлаб юборган экан...

— Қамалишдан олдин кўп маблағ сарфлаб янги ерларни ўзлаштирмоқчи бўлган эдим, — дейди Аҳмаджон ака. — Бироқ 30 миллион сўми сарфланиб, ишлар чала қолиб кетди. Шуларни битиролмай қолдим. Қамоқхоналарда ётганимда ҳам кўпроқ шуларни ўйлар эдим. Ахир бу ишлар амалга ошса, чўллар бўстонга айланар, одамлар иш билан таъминланар, гўшт кўпайиб, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил олиш мумкин бўлар эди. Афсуски, йўлда кўриб келдим, кўп жойлар қаровсиз қолипти. Техниканинг бир қисми йўқ бўлиб кетибди. Биз фермерлик ва ижарачиликни 1965 йилда бошлаган эдик. Мана ҳозир шу сўзларни эшитяпман. Демак, халққа нон, гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари зарур. Бу ўткир муаммо. Фақат ҳозир ишлаш керак. Ишлайдиган замон келди. Халқ ҳозирги Президентимиз Ислом Каримов атрофига жипслашиб, ишлаши зарур. Мен у ишни, бу ишни бер-син демайман. Қўлимга кетмон олиб ишласам ҳам, халқимга нафим тегса бўлди... Мен халққа суянаман. Ҳали чала ишлар жуда кўп...

Ҳа, агар ўша 1984 йилнинг 13 августида уни ҳибсга олишмаганида балки бу чала ишлар қолиб кетмас эди. Балки ҳозир водий адирларида кўм-кўк буғдойзорлар янги ҳосилга ниш урган бўларди, сон-саноғи йўқ қўй-қўзилар, ангор эчкилар адирларни, тоғ-тошларни тўлдириб, маъраб юришарди. Бироқ ўша куни қуролланган солдатлар, соқчилар, офицерлар ишлаб ўтирган жойидан олиб кетишди. Фақат ўзини эмас, қариндош-уруғини, ака-ука, ўғилларини ҳам бирин-кетин ҳибсга олдилар. Бутун қишлоқ, ғурумсаройликлар юрагини олдириб қўйишди. Биргина Холматжон Мансуровни 113 марта терговга чақиришган, қийнашган, азоблашган. Сохта гувоҳлик беришга мажбур қилишга уринишган. Охири чидай олмай ўзини-ўзи осиб ўлдирган. Баҳобжон Муродов, Маҳмудали Саримсоқовлар эса тергов азобларига чидай олмай жон беришган. «Ер нафаси» романини ёзгани учун ёзувчи Йўлдош Шамшаровга ҳам зуғум ўтказилган. Жами сарсон-саргардонликда 12 киши ҳаётдан кўз юмди.

— «Ўзбеклар иши», «Пахта иши» дейишди. Қўшиб ёзиш ахир бутун мамлакатда содир бўлган бўлса, бизда ҳам бўлган, — дейди Аҳмаджон ака куюниб. — Кремлдан 50 минг тонна қўшимча пахта сўрашгани эсимда. «Қандай бўлмасин, топасанлар» деб турганда кейин, нима қилиш керак!?. Ахир ана шу ўзбекларнинг пахтаси эмасми «марказ»дагиларни гердайиб юришига сабаб бўлган.

— Аҳмаджон ака, — дейман саккиз йил қамоқхоналарда қоронғуликда нурсизланиб қолган кўзларига тикилар эканман, — айтинг-чи, «Одилов ундай қилган эмиш, бундай қилган эмиш, кимнидир асфальт остига бостириб юборганмиш, кимгадир машина совға қилибди» деган миш-мишларга қандай қарайсиз?

— Бундай гаплар озодликда юрган чоғимда ҳам бўлган. Асфальтларни бузиб кўришган, аммо миш-мишлар исботланмади. Демак, ҳеч нарса бўлмаган. Қинғир иш қирқ йилда ҳам билинар эди-ку! Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Булар қуруқ гаплар. Лекин мен меҳнат қилган кишиларни ардоқлаганман. Бу рост. Аслида менинг душманларим Москвада бўлган. Қамалганимдан кейин яна ҳам кўпиртира бошлашди. Мен терговда гувоҳлар билан юзлаштиринглар деб туриб олдим. Судда 181 нафар сохта гувоҳдан 12 гувоҳ жабрланувчи юзма-юз туриб гапирди. Лекин бирортаси қарши гап айтмади. Давлат қораловчиси Гусаков иситмалаб қолди...

Мени маънавий қийнашди. Мени яна жиноят қилишга ундашди... Улар менинг овозимни ўчиришмоқчи бўлдилар. Лекин халқимга, Президентга минг раҳмат, отасига раҳмат! Омон-эсон келдим.

— Аҳмаджон ака, сиз республикамизга 25 йил раҳбарлик қилиб келган Шароф Рашидов билан кўп йиллар бирга ишлашгансиз. Халқ орасида «улар бир-бирига жуда яқин бўлишган» деган гап юради. Вақти келганда шу масалага ҳам ойдинлик киритолмайсизми?

— Рашидов билан 1956 йили танишган эдим. У киши шу йили жамоа хўжалигимизга республика ҳукуматининг кўчма Қизил байроғини топширгани келган эдилар. Мен ўша пайтда ҳисобчи бўлиб ишлар эдим. Мажлис тугагач, чой ичамизми деб қолдилар. У киши оддий самимийликни хуш кўрар эдилар. Дарҳол шкафдан қанд-қурс олиб, чой узатдим. Орадан анча ўтгач Наманган обкомида пахта масаласига бағишланган йиғилиш бўлди. Менга сўз бериб қолишди. Мен пахта ҳақида оз гапириб, асосан гўшт етиштириш тўғрисида кўпроқ гапирдим. Шунда бу ишларни колхозда қилса бўлмайдими? — деб сўраб қолдилар. Бўлади, дедим. Шу-шу мажлисларда, йиғилишларда «Одиловдан ўрганиш керак» деб айтадиган бўлдилар. Муносабатимиз яқинлашиб борди. У киши оддий пахтакор, деҳқон кишилар билан маслаҳатлашишни яхши кўрар эдилар. Бюро бўлиб қолса ҳам мен каби кишилар билан фикрлашарди. Кўпинча фикримиз ҳамоҳанг чиқарди.

Шароф ака одил, пок меҳнаткаш инсон эди. Бирор бир ножўя ҳаракат қилганини билган эмасман. Ўт халтаси йўқлигига қарамай, соатлаб мук тушиб ишлардилар. Ҳужжатларни кўришга улгуролмай, изтироб ва оғриқ билан ишлаб ўтирганларини кўп кўрганман. «Аҳмаджон иш кўп, нима қилай, улгуролмаяпман», дердилар. Биз меҳнатсеварликни, ҳалолликни ундан ўрганишимиз керак.

Ислом аканинг меҳнатсеварлиги Шароф акага ўхшаб кетади. Ислом ака иқтисодни чуқур билади, ҳар бир қадам ҳисоб-китоб билан... 25 йил халққа бошчилик қилиш учун зукко ақл-заковат, салоҳият керак. Янги Президентимизнинг ишида ҳам омад тилайман. Сайловда иштирок этиш ниятим бор эди. Буни қаранг, яхши ният, ёрти мол деганларидек, **Ислом Каримов учун овоз бериш бахтига муяссар бўлдим. У кишини чин юракдан табриклайман.**

Ҳозир республика оғир вазиятда турибди. Иқтисодий танглик чанг солган пайт. Халқни шундай танг ҳолатдан олиб чиқиш учун Каримовдек забардаст иқтисодчи зарур. Ўтгувчи дунё дейдилар, у ҳаммамиздан қолади. Лекин халқ яшайди. Халққа йўлбошчилар доимо керак.

— Сиз қамалгандан кейин киночиларимиз шошапиша ҳужжатли фильмни суратга олишди. Унда кўрсатилишича, Сиз махсус қамоқхоналар қурдирган эмишсиз... Уларда «гапга кирмаган» одамлар сақланар экан...

— Буни мен юқорида айтдим. Ҳаммаси уйдирма. Биз фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш учун ер ости омбори қурган эдик, холос. Мен имкониятдан фойдаланиб, қолган шунга ўхшаш миш-мишларни ҳам инкор этаман. Булар фақат душманларнинг, баъзи бир кўролмаслик касалига дучор бўлганларнинг иши.

— Аҳмаджон ака, келинг, қўйайлик бу гапларни, умуман соғлиғингиз қалай?

— Яхши, ука. Ёшим 67 да бўлса ҳам ўзимни тетик, бардам сезяпман. Қамоқхоналарда ўзимни физкультура билан сақладим. Ҳар куни узлуксиз олти соат энг қийин машқларни бажардим. «Турма»дагилар мени «спортсмен—бобой» дейишарди. Ҳатто улар мени ўзларига президент ҳам қилиб сайлаб олишганди... Ҳа, ҳа, ҳа... Очиғи, меҳнатни соғиндим. Мен дам олмайман. Яхши ухлаб, ишлашим ҳам шу яхши дам. Маишатни ёқтирмайман. Ўз ишимнинг натижаларини кўргим келади. Тарихга бир сатр бўлса ҳам ҳисса қўшсам деган ниятим бор. Сочимнинг бир толаси қолгунча халқим учун хизмат қиламан...

Ҳа, Аҳмаджон Одиловнинг сўзларини тинглар эканман, бир донишмандининг «Инсон жамият ва давлатнинг кенг доиралари манфаатлари учун қанчалик фойда келтирса, у шу қадар баркамолдир» деган ўгити ёдга тушади. Аҳмаджон ака ҳам шундай баркамол кишилардандир. Фақат одамзод бахти учун қилинган меҳнатгина чинакам ва боқий шуҳрат келтириши мумкин. Айни пайтда фидокор кишилар қуёшдек зарур. Унинг ҳузуридан қайтар эканман, бу саховатли диёримда адолатли тафтишчилар, адолатли терговчилар, оқни оққа, қорани қорага ажратадиган кишилар топилишига имон келтирдим. Зеро, инсон ҳаёти давомийдир. У қамалганда неваралари етти нафар эди. Ҳозир эса 18 нафар бўлибди. Саккиз йил давомида Одиловлар хонадони ўн бир кишига кўпайибди. Икки неварасининг исмини Аҳмаджон бува қамоқхонада қўйибди. Бирининг исми Қаҳрамон, иккинчисиники эса Жасур. Кеча зулм, заҳмат чеккан катта бир оилада бугун тантана, тўй, ҳуррамлик...

Мен сўзимни унинг оқловчиси, ҳуқуқшунослик фанлари доктори Турсунбой Тожиев фикри билан тугатмоқчиман.

Умуман Одиловнинг қилмиши шу қадар оғирми? Шу қадар чўзадиган ва дўмбира қиладиган ишми? Нима у самолётни чет элга олиб қочибдими, атом крейсерини Тинч океанда портлатиб юборибдими, давлат дафинасидаги олтин ёмбини Брюсселга пуллабдими? Ёки қайси мафияга сардорлик қилибди?!

Пахта яккаҳокимлиги кўп одамнинг бошини еди. Пешонамиз шўр экан, пахтабозлик қилиб, минг йиллик қадриятларимиздан айрилдик, сиҳат-саломатлигимизни йўқотдик. Ҳали-ҳануз олтин ёки кумуш лаганда ош еганимиз йўқ. Бу — ашаддий пахтакор Аҳмаджон Одиловга ҳам тааллуқли. Уни гуноҳга ботирган — план, мажбурият. Уни банди қилган «колхоз» ва «совхоз» доираси. Уни мактабда ҳам, олийгоҳда ҳам фақат «бажариш»га ўргатишган. Шундай экан, нега энди бутун иллатни битта ижрочидан қидирамиз?

Беайб парвардигор. Бандасидан хато ўтмай илож йўқ. Суфи Оллоёр назм ипига тизгандек:

Илоҳо, бандаман,
бечорадурман,
Ҳавойи нафс ила
оворадурман.
Эрурман барча нуқсонимга
иқрор,
Мусулмон ўғли қилмас
ишларим бор.

Одилов истиғфор айтяпти, ўкиняпти, фақат одил судлов бўлишини сўраяпти. Қуръони Каримда айтилган: «Афв қилмоғингиз, кўнгилни кенг тутмоғингиз ва кечирмоғингиз, яхшидир. Албатта Оллоҳ кечирувчи ва раҳмдилдир».

Биз бунга ишонамиз.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг
махсус мухбири.
Тошкент — Поп.

СУРАТДА: Аҳмаджон Одилов.

● МАТОНАТ. ШОШИЛИНЧ ЁРДАМ. ҒАМХЎРЛИК.

Республика Олий Кенгаши комитетларида

Маълумки, 4 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессияси бўлиб ўтган эди. Лекин Олий Кенгаш ялпи мажлисларида 16 январгача танаффус эълон қилинди. Шу боис республика парламенти ўз ишини комитетларда ва комиссияларда давом эттиришга қарор қилди. Шунга биноан кеча Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитетида дастлабки бюджет муҳокамаси бошланди. Шу комитет раиси Э. Н. Хўжаев мажлисни қисқа кириш сўзи билан очиб, 1991 йил республика бюджетини аниқлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг республика солиқлар Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Ҳ. Тошхўжаев янги солиқлар тўғрисида ахборот берди. Қизғин ўтган баҳс-мунозарадан сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Э. Ж. Боқибоев Республика бюджетини қай тарзда белгилаш, нарх-наво, даромадлардан олинадиган солиқлар тўғрисида маъруза қилди.

Комитет аъзолари ва депутатлар мазкур масалалар бўйича баҳс-мунозарани давом эттиришга азму-қарор қилдилар.

* * *

6 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқ таълими, фан ва маданий меросни асраш комитетининг олий ўқув юртлари ректорлари; вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда мактаб директорлари, шунингдек, таълимга алоқадор халқ депутатлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди. Уни комитет раиси А. Асқаров олиб борди.

Муҳокамада сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳақидаги биринчи батафсил ҳужжат бўлиб, у жамият ва оила олдидаги фуқаролик бурчини ўзининг юксак билими, касб-кори билан адо этишга қодир бўлган ҳар жиҳатдан баркамол ва эркин шахсни шакллантириш мақсадига хизмат қилишини таъкидладилар, унинг айрим бандлари тўғрисидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда ушбу Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига тақдим этишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА

Декабрь ойининг иккинчи ярмида об-ҳаво бирдан ўзгарди. Қиш қишлигини қилиб Амударё музлаб қолди. Бироқ қалин музлар бўлишига қарамасдан, дарёда сувлар оқаберди. Қалин парча-парча музлар дарёнинг Аспантой массивидан ўтадиган жойида тиқилиб, Амударёнинг суви ҳаддан ташқари кўтарилди. Соат сайин дарёнинг суви кўпаяверди. Шу заҳоти сувнинг хавфли эканлиги ҳақида Бўзатов районининг меҳнаткашларига, чорвачиликка ихтисослаштирилган «Аспантой», «Тўрлитоу» давлат хўжаликлари ҳудудидаги барча кишиларга хабар қилинди.

Дарёнинг суви қайтмаяпти. 2 январь куни кеч соат олтиларда парча-парча музлар дамбани бузиб «Аспантой», «Тўрлитоу» давлат хўжаликлари ҳудудига сув босиб кирди. Чорвадорларнинг уйлари, мактаблар, алоқа уйи, автомат-телефон станцияси, фермалар сувда қолди. Сув бостириб кирмасдан олдин 1200 киши район марказига турли транспортларда келтирилган эди. Шундан 140 киши 38-СПТУга, қолган 1 мингдан кўпроқ киши «Қозонкетген», «Тўрткўл» давлат хўжаликларидаги чорвадорларнинг уйларига 8, 10, 12 кишидан жойлаштирилди.

Уларнинг яхши яшаши, овқатланиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Сув тошқинида бирон киши ҳам, бирон ўғил-қиз ҳам зарарланмади. Ҳаммаси эсон-омон сақлаб қолинди. Бироқ, бироз қорамол, сигир, қўй-эчкилар сувда қолди. Уларни ҳам омон олиб қолиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Район Кенгаши раиси ўринбосари Нурали Ерназаров йиғилган сувларни оқизиб юбориш учун дарёдаги музларни эритиш барча усулларидан кенг фойдаланилаётганини гапириб берди.

Шу куниёқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши табиий офатнинг олдини олиш ва офатдан зарар кўрган кишиларга озиқ-овқат ва моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш юзасидан шошилинч чора ва тадбирларни амалга ошира бошлади. Шу муносабат билан штаб тузилди.

Кўчма ошхоналар ташкил қилинди. Аҳоли нон ва иссиқ овқат билан бепул таъмин қилинмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси матлубот кооперацияси табиий офатдан зарарланган кишиларга биринчи навбатда нон, ун, гуруч, шакар, макарон, гўшт консервалари, балиқ консервалари ва бошқа озиқ-овқатлардан амалий ёрдам кўрсатмоқда. «Каракалпакглавснаб» 200 дона йиғма каравот, 200 дона кўрпа ғилофи, 200 дона чойшаб, 200 дона ёстиқ жилди, 200 дона тўшак, 200 дона пахтали пуфайка, 88 та ёстиқ ва кийим-кечаклардан ёрдам берди. «Каракалпакагроснабремонт» эса 100 дона куртка, 100 дона шим, 100 дона кирза этик, 100 дона кигиз этик, шунингдек, техника, эҳтиёт қисмларидан ёрдам кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги барча ташкилотлар табиий офатнинг олдини олишда ва тугатишда фаол қатнашмоқдалар. Ҳозирнинг ўзида 200 дан кўпроқ техника ишлаб турибди. «Оролводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси, «Каракалпактранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Каракалпакремводстрой» трести коллективлари ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

— 19 километрли дамба қуриб беришни ўз зиммамизга олдик, — деди «Аралводстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутати Ж. Қорабоев. — Бугундан бошлаб дамбада ишлайдиган бульдозерлар сонини 50 тага, скреперлар сонини 35 тага, экскаваторлар сонини 35 тага, ағдарма машиналар сонини 50 тага етказамиз. Уларнинг унумли ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берганмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Д. Н. Шамшетов билан бирга табиий офат юз берган жойда бўлиб, район ва хўжаликларнинг раҳбарлари билан учрашди. Табиий офатдан зарар кўрган кишилар билан суҳбатлашди. И. Ҳ. Жўрабеков районга ва табиий офатдан зарар кўрган кишиларга вагон уйлар, қурилиш материаллари ажратилиб, ёрдам берилажагини айтди. Келажакда бу ерда бош план бўйича янги типовой уйлар тезда қурилиб битказилиб, фойдаланишга топширилажагини билдирди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРАЗМДА ТАБИИЙ ОФАТ

Учинчи январдан тўртинчи январга ўтар кечаси Хоразм вилоятида жала қуйди, жала олдин дўлга айланди, сўнгра гупиллаб қор ёга бошлади. Бирданига совуқ тушиб ер музлади. Вилоят шаҳарлари ва қишлоқларида дарахтлар, электр симлари ёпишиб қолган қор оғирлигини кўтара олмай синди ва узилди. Хоразмга электр қуввати келадиган учта юқори кучланишли линия ишдан чиқди. Уч кундан буён кўп уйларда иссиқлик, нур ва сув йўқ. Йўллар музлаб жамоат транспортининг ҳаракати тўхтаб қолди.

Табиий офат оқибатларига қарши курашга вилоят саноат ва қурилиш корхоналарининг ходимлари ҳам қўшилдилар. Улар шошилинч равишда қозонхоналарни, электр кичик станцияларини, сув қувури тармоғини тикламоқдалар. Табиий офат оқибатларини тугатиш вилоят штаби бу ишларнинг боришини назорат қилиб турибди.

— Дастлабки ҳисобларга қараганда, табиий офат 37 миллион сўмлик зарар етказди, қишлоқ хўжалигига етган зарар бунга кирмайди, — деди ана шу штабга бошчилик қилаётган Хоразм вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Б. Е. Ёқубов. — Ишдан чиққан тизимларни тиклаш учун иситиш радиаторлари, турли катталиқдаги қувурлар, кабеллар, изоляция материаллари ва бошқалар зарур. Совуққа қарамай одамлар меъёрий ҳаётни изга солишга уринмоқдалар. Чунки болалар, қариялар, совуқ уйларда яшашяпти...

Вилоят қишлоқ хўжалигига ҳам катта зарар етди. Мевазор боғлардаги дарахтларнинг шохлари ёпишиб музга айланиб қолган қорнинг оғирлигидан гугурт чўпидек синиб кетаверди. Бундай аҳволни қариялар ҳам эслай олмайдилар. Чорвадорлар ҳам зарар кўришди. Сув тошиши хавфи борлиги учун Қизилжар массивидаги чўпонларнинг ўнлаб оилалари шошилинч равишда кўчирилди. Қаттиқ совуқ натижасида Амударёнинг қуйи оқимида сув бутунлай муз билан қопланди. Муз тўпланиб айрим жойларда сув йўлини тўсиб қўйди. Баъзи жойларда яйловлар ва фермаларни сув боса бошлади.

Урганчда ҳозир ҳам ҳарорат 0 даражадан паст. Шаҳарликлар табиий офат оқибатларини тугатишда фаол қатнашмоқдалар — йўлларни тозалашмоқда, электр линияларини тиклашда ёрдам беришмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

БОЛА БОШИДАН

Ким ўз фарзандини ишёқмас, одобсиз бўлишини истайди дейсиз. Лекин бола ўз-ўзидан тарбияли, одобли, меҳнатсевар бўлиб қолмайди ҳам. Шунинг учун таълим-тарбия ишларига, ўқитувчиларнинг иш услубларига, программаларига ўзгаришлар, янгиликлар киритилмоқда. Жумладан, мактаб программасига «Одобнома» дарси киритилгани ҳам шу йўналишда қўйилган жиддий қадам бўлди. Ваҳоланки, олдин ҳам синф раҳбари ҳар ҳафтада бир марта тарбия соати ўтказар, унда болалар меҳнатга муҳаббатли, одобли бўлиши, катталарга ҳурмат руҳида ўсишга даъват этиларди.

Биз етмиш йил давомида ахлоқий тарбияни ақлий тарбиянинг бир бўлаги деб қараб келдик. Бор куч-қувватимизни ақлий тарбияга йўналтирдик. Халқимизнинг ахлоқ-одобга оид тажрибаларини менсимай қўйдик. Ислом динида биринчи ўринга қўйилган ахлоқий тарбияни йўққа чиқараёздик. Ҳар бир халқнинг миллий қадриятлари асосида вужудга келган педагогика билими ўрнига умумий халқлар педагогикасини тавсия этдик. Шундай қилиб, авлодларимиз узоқ йиллар давомида тўплаган ва давр синовидан ўтган инсоний фазилатлар, миллий тарбия қирралари ўрганилмай келинди.

Пировард натижада ҳаёт бунинг бутунлай нотўғри йўл эканлигини тасдиқлади. Киши ўз халқини, урф-одатини, ўтмишини, миллий анъаналарини билмай ва уларни ҳурмат қилмай туриб, ўзга халқлар урф-одатини ўрганиши одобдан эмас эканлигини кўрсатди.

Инқилобдан олдин Ўзбекистондаги мадрасаларда биринчи сабоқ ахлоқ-одоб дарсига айлантирилар, унда катталарга ҳурмат, саломлашиш, ўзаро муносабат, устоз ҳурмати, жамоа тўпланган жойда ўзини қандай тутиш, яхши хулқ, одоб ва шу каби инсонийлик мезонлари насиҳат тарзида тушинтириларди. Дин мактабдан ажратилгандан кейин бундай одоб дарслари

Одобнома

ўз-ўзидан йўқолди. Энг ёмон жиҳати шу бўлдики, диний ақида деб топилган ахлоқ-одоб қоидалари мактаб, олий ва ўрта махсус мактаблари ўқув программаларидан ҳам четда қолди.

Барча даврларда илғор кишилар ахлоқий тарбияга жуда катта эътибор берганлар. Шоир ва мутафаккир Алишер Навоий «Бола ота-онанинг, жамиятнинг жони-дили, улар учун энг қимматли сиймо. Ота-она ўз боласини севмай, балки ҳамма авлодни, келажакни севиши керак», — дейди. Алишер Навоий болаларга нисбатан бефарқ бўлмасликка даъват этган.

«Бола бошидан — ниҳол ёшидан» деганларидек мактабгача тарбия ёшидаги болаларга, боғчаларда ҳам «Одобнома» машғулотларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай дарсларни ҳозир амал қилинаётганидек 5—10 минут эмас, балки 30—40 минут суҳбат тарзида уюштириш маъқул. Болаларнинг зерикиб қолмасликлари учун машғулотларни ўйин тариқасида, саҳналаштириш асосида, қўғирчоқлар ўйини ёрдамида, диафильмлар, кинофильмлар орқали қизиқарли ўтказиш ҳам мумкин. Масалан, тарбиячи машғулот ўтказаётганда эшик тақиллаб энага қўлида қўғирчоқ билан кириб келади. У қўғирчоқнинг қўлини кўксига қўйиб болаларга қараб «Ассалому алайкум» дейди. Шунда тарбиячи: Болалар кўрдингизми, эшикдан кириб келганда, албатта, «Ассалому алайкум» дея кўпчиликка салом бериш керак. Кўряпсизми, қандай чиройли одатларимиз бор-а, деса имонимиз комилки болакай буни қулоғига қуйиб олади.

Халқимизнинг саломлашиш, бир-бирини сизлаш, кўришиш, иззат-икром, ширин сўзлилик, ота-онани, катталарни ҳурмат қилиш каби ажойиб одатлари борки, бунга фаразндларимизни ўргатиб, шу руҳда тарбиялаб бормоқ тарбиянинг асосини ташкил этади. Бола онгига боғчадаёқ сингдирилган инсонийлик хислатлари келгусида мактабдагина эмас, балки бутун ҳаёти давомида унинг яшаш тарзига айланиб қолади.

Муяссар МИРҲАМИДОВА,
Ю. Ражабий номли педагогика билим юртининг мактабгача тарбия бўлими ўқитувчиси.

ЯХШИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

Янги йил арафасида тошкентлик болаларнинг қувончига қувонч қўшилди. Қизил ярим ой жамияти шаҳар қўмитаси ногирон болаларга совға топширдилар. Улар уйма-уй юриб болаларга турли альбомлар, рангли қаламлар, бўёқлар ва уч ғилдиракли велосипедлар совға қилдилар.

Уч ғилдиракли велосипедларни Латвия республикаси Даугавпилс шаҳар Қизил хоч жамияти ҳайрия сифатида совға қилиб юборган эдилар. Ана шу совғалардан бири 6 ёшли Асқар Отахоновга топширилди.

Суратда: қизил ярим ой жамияти шаҳар қўмитаси раисининг ўринбосари Н. Исабоев совғани А. Отахоновга топшираётир.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Шифокор минбари

БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Ўлкамизга қиш фасли кириб келди. Совуқ ҳали заб-тига олмаган бўлса-да, қишқишлигини қиляпти. Ана шу қишнинг «илиқ» келиши аҳоли ўртасида турли касалликларга, шамоллашни авж олиб кетишига сабаб бўляпти.

Тиббиётчиларнинг фикрича, инсоннинг бутун аъзойи-баданида сезги асаблари мавжуд бўлиб, улар иссиқ-совуққа нисбатан ўта сезгирдир. Бу сезувчи ҳиссиётни терморецепторлар деб атаймиз. Қизиғи шундаки, терморецепторлар инсон оёғи ости ва юқори нафас йўлининг шиллиқ пардаларида анчагина уйғунлашган бўлиб, улар ўзаро узвий, рефлектор боғланишга эга. Шу туфайли ҳам оёқнинг озгина совуққотиши ўз навбатида нафас йўлларидаги шиллиқ пардаларнинг зарарланишига олиб келади. Тумовнинг асосий манбаи ана шундан бошланади. Айниқса, ёш болаларда шу жараён тез кечади.

Инсон соғлом бақувват бўлишни истаса, аввало, оёқни совуқдан асраши керак.

Шарқ табобатида шамоллаш, тумовнинг беасорат ўтишига жуда қўплаб доривор гиёҳлардан фойдаланиш тавсия этилади-ки, бу усул бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этяпти.

Изтиробли йўтални қолдиришда қайноқ сутга бир қошиқ сариёғ ёки сутни ичимлик нутруни (сода) билан қўшиб ичиш яхши натижа беради. Беҳи орасига сариёқ, думба ёғи қўшиб димлаш, шолғом истеъмол қилиш ҳам йўталга малҳамдир.

Шивит (укроп) уруғидан тайёрланган дамлама эса балғамни тез кўчиради.

Баргизуб (зубтурум) барглaридан тайёрланган дамламани усти ёпиқ идишда, чинни ёки ҳароратга бардошли шиша идишда бир стакан миқдорда қайнаб турган сувга бир ош қошиқ майдаланган барг солиб, икки соат буркаб қўйилади, бу қайнатма тўрт маҳал ичилади.

Нок қоқисининг 100 грамми 500 грамм сувда 15 минут давомида қайнатилиб, шарбати илиқ ҳолда истеъмол қилинади.

Чилонжийда, арпабодиён мевасидан тайёрланган дамлама ҳам йўтални тез қолдиради. Бу дамлама юқори нафас йўллари шамоллаганда (трахеит, ларингит, йирингли бронхит) ўпка қорасони, қизамиқ хасталикларига ҳам эмлик қилади.

Томоқ оғриғи — бодомчаларнинг яллиғланиши (ангина) милгак азият берганда эса қайнатилган картошка, қарағай ёки қайин куртаклари қайнатилиб оғиз бўшлиғи (бош бурканиб) тутилади. Бу эса хасталикнинг осон барҳам топишига олиб келади.

Маврак ўти (трава шальфея), тирноқгул гулсаватчалари (цвети календули), эвкалипт барглари, мойчечак гуллари (цвети ромашки) каби шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар яхши ёрдам қилади. Қайнатмадан бемор вақтиваҳти билан томоқ ва оғиз бўшлиғини ғарғара қилиб туриши маслаҳат берилади.

Фарманчак, булдурғун (маймунжон) меваси, арғувон (жука) гул барглaридан тайёрланган қайнатмалар эса беморни терлатади ҳамда ҳароратни туширади. Ҳарорат туширишда қулупнай мураббоси ва асал чой ҳам беозор омил.

Ерқалампир илдизи қириндисидан тайёрланган бўтқа эса баданнинг бирор жойи шамоллаб — хала бўлганда оғриқ ҳуружини қайтариш учун суртилади.

Шунингдек, халани тарқатиш учун илиқ сувга намланган ханталли қоғоз ёки хантал уруғи (кукуни)дан бир сиқим олиб арақ қўшиб суртки тайёрланса ҳам мақсадга мувофиқдир. Тананинг шамоллаган қисми ўткир қалампирнинг арақли ивитмаси билан артиш ҳам хасталикдан қутулишингизга олиб келади.

Республикамизнинг қарийб барча вилоятлари, шунингдек, саноат корхоналари, муассасалар қошида махсус «Гиёҳшарбатхона»лар аҳолини доривор гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонлар билан таъминлаб турибди. Пойтахтликлар эса 8-дорихона қошида ташкил этилган «Гиёҳшарбатхона» хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Шамоллаш ўткинчи касаллик деб бефарқ қараманг. Зеро, барча сурункали хасталикларнинг бош омили инсон организмида шамоллаш, тумов асорати туфайли кечишини унутманг.

Эркин ЖУРАЕВ,
фармацевтика фанлари номзоди.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос.

• *Бетга айтганнинг заҳри йўқ*

БУЙРУҚ МАН ЭТИЛГАН, ЛЕКИН...

Эшик тиқ этса: «Оббо, яна Самарқанддан ўртоқлар келишди-ёв!» — деган фикр кўнглимдан ўтадиган бўлиб қолибди. Тушунаман, уларга жуда қийин. Ҳақиқат узил-кесил ҳал этилмаганидан кейин нима ҳам қилишсин?!

В. И. Ленин номли жамоа хўжалигидаги (ҳозир у янги Тойлоқ районига қарайди) 50 ўринли шифохонада кўпдан буён нотинчлик давом этмоқда. Самарқанд район марказий касалхонаси бош врачи Ғ. Турсунов томонидан 1990 йил 8 октябрда чиқарилган 103—В рақамли буйруқ бунга сабаб бўлди. Ана шу «қудратли» қоғозга қаттиқ суянган ҳолда мазкур даволаш маскани сариқ касалликлар шифохонасига айлантирилган эди. Шифохона аҳоли зич яшайдиган қишлоқнинг ўртасига жойлашган! Бунинг устига, шундоққина ёнгинасида мактаб ҳам бор.

Кутилмаган ташвишли воқеадан қаттиқ ранжиган кишилар кетма-кет тегишли юқори ташкилотларга мурожаат этишди. Натижа чиқмагач рўзномамиз муҳарририятига хат кўтариб келишди. Арзномалардан бири 1990 йил 19 декабрь куни Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига юборилган эди. 1991 йилнинг бошларида расмий жавоб (№ 3 (687) олинди. Унда шу сўзлар ёзилган:

«Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси М. Хушвақтов томонидан ёзилган шикоят хат асосида шуни маълум қиладики, ҳақиқатан ҳам Самарқанд районининг Ленин номли жамоа хўжалигида жойлашган қишлоқ участка шифохонаси ноҳия марказий шифохонасининг бош врачи ўртоқ Ғ. Турсуновнинг 1990 йил 8 октябрь 103—В буйруғига асосан вақтинча вирусли гепатит касаллигини даволовчи шифохонага мослаштирилиши керак эди. Аммо вилоят СЭСининг 1990 йил, 23 октябрь № 111 қарорига асосан шифохонани санитария ва дез-эпид. қоидага умуман тўғри келмагани сабабли Самарқанд ноҳия марказий шифохонаси бош врачининг буйруғига асосан ман этилди...».

Негадир, шикоятчилар бундан қаноатланишмай ёз-ёзни давом эттираверишди. Чунончи, улар 1991 йилнинг 10 ва 19 июнь кунларида яна рўзномамиз муҳарририятига хат билан мурожаат этишди. Мазкур арзномалар бу гал текшириш ва чора кўриш учун Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига юборилди. Вазирлик 1991 йил 2 июлда Самарқандга махсус комиссия жўнатди. Текшириш натижалари шикоятчиларга ҳамда рўзномамиз муҳарририятига ёзма ҳолда маълум қилинди. Жумладан, унда бундай дейилади (айнан келтирилади):

«Самарқанд вилоят ижроқўми соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1991 йил 11 апрель 629—0-сонли буйруғи билан район марказий касалхонасининг бош врачи ўртоқ Ғ. А. Турсуновга ва Ленин номли жамоа хўжалиги қишлоқ шифохонасининг бош врачи А. Султоновга маъмурий жазо берилган ,лекин бу буйруқнинг барча нусхалари вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлишига қарамасдан буйруқни қишлоқ шифохонаси жамоаси орасида ўқиб эшиттирилмаган ва рўзнома муҳарририятига қайта шикоят юборилишига сабаб бўлган.

Вазирлик комиссияси 1991 йил 3 июлда қишлоқ шифохонаси жамоасининг умумий мажлисини ўтказиб, унда текширув натижалари маълум қилинди».

Йўқ, яна бўлмади. Ўтган йил 13 август ҳамда 3 декабрь кунларида шифокорлар Раҳим Ғаниев билан Маҳмадамин Қосимовлар (13 августда нафақахўр Мусулмон бобо Хушвақтов ҳам улар билан ташриф буюрганди) қабулимизга келишди.

Хуллас, шикоятчилар қайта-қайта текширишларнинг натижаларидан қаноатланганларича йўқ. Улар билан суҳбатлашиб, хушлашар эканмиз, Самарқанд вилоятида ушбу машмашани адолатли бартараф қилиб бера оладиган ўртоқларнинг борлиғини тушунтирдик.

У. ЮСУПОВ.

Оталиқ ташкилотининг ҳиммати

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ. Оқолтин районидаги Усмон Носир номли давлат хўжалиги бошқаруви оталиғидаги 9-ўрта мактабнинг юз ўқитувчисига 500 сўмдан мукофот ажратди. Янги йил совғаларидан ўқувчилар ҳам бебаҳра қолмади. Бунинг боиси бор албатта. Давлат хўжалиги директори Маҳмуджон Туҳмаковнинг қўли енгил келди. Икки йилдирки, у раҳбарлик қилаётган хўжалик илғор хўжаликлардан бирига айланди. Ўтган йили улар йиллик режани вилоятда биринчилар қаторида адо этдилар. Ҳар гектар майдондан 32 центнердан, режадагидан 5 центнер ортиқ ҳосил етиштирдилар. Қишлоқ меҳнаткашлари учун мукофотнинг ўзига 6 миллион сўм ажратилди.

Хўжалик директори домла, яъни ўқитувчининг қадрини яхши биларди. Шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарияти мактабнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқда.

Маҳмуджон Туҳмаковнинг тажрибаси қўрқ район барча хўжалик ва муассасалари раҳбарлари томонидан кенг маъқулланди.

СУРАТДА: 9-мактаб компьютер синфи Усмон Носир номли давлат хўжалиги маблағи асосида ташкил этилган. Бугун хўжалик директори Маҳмуджон Туҳмаков ўқувчилар ҳузурига меҳмон бўлиб келди.

Р. ЦИАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).



ДИҚҚАТ, ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Ўзбекистон универсал деҳқончилик-саноат «Ўзбекистон» биржасининг акционерлик жамияти шу йил 11 январда савдо ўтказади.

У Ўзбекистон Республикаси Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг «Ирригация ва мелиорация» павильонида бўлади. Савдога соат 11 дан киришилади. Рўйхатга олиш соат 9.00 дан бошланади

Эслатиб ўтамиз: Пахта, пилла, жун, мева ва сабзавот етиштирувчи-сотувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида биржа йиғими олинмайди.

«ЎЗБЕКИСТОН" БИРЖАСИ ○ БИРЖА „ЎЗБЕКИСТОН"

«Ўзбекистон» биржасининг юқори малакали брокерлари деҳқонлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарувчиларнинг уларга керакли бўлган моллар, техника воситалари ва ускуналарни ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри алоқага киришишларида ўз хизматларини таклиф этадилар.

Сизларнинг таклифларингиз ва буюртмаларингизни қондириш «Ўзбекистон» биржаси мақсадларидан биридир.

Биржа канали: (3712) 458317, 450645, 458467.

Факс: 45-14-43

«Ўзбекистон» деҳқончилик-саноат биржаси бозор муносабатлари соҳасида сизларнинг манфаатларингизни ҳимоя қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-83, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 349.745 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 11.

№ 6.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—23.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.